

# Маҳалла

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

## ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Президентимизнинг шу йил 19 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ барча синовлардан муваффақиятли ўтган йигитлар айна кунларда муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилмоқда.



Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг бир гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз мудофасини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ихчам, юқори тайёргарликка эга бўлган профессионал армияни

шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбирда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар Ватанга хизмат ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи экани ҳақида сўзлаб, бўлажак аскарларни халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асрашга даъват этдилар.

— Ўғлимни армияга кузатяпман, — дейди олмалиқлик Мастура Эшонқулова. — Бугунги кунда ҳарбий хизмат наинки йигитлар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам ҳақиқий ифтихорга айланди. Мен аминманки, фарзандларимиз бундай шарафга муносиб бўлади, халқимиз, ўз ота-оналари ишончини оқлайди. — Синовлардан яхши ўтдим, — дейди ангреник Нуриддин Шаҳобиддинов. — Ватанга, ўз мустақил юртига хизмат қилиш ҳар бир

ўғлон учун катта шараф. Мен бундан хозир яна бир бор чуқур ҳис этмокдаман. Биз, ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитлар ҳарбийлар иштирокида бўлиб ўтган суҳбат ва учрашувларда аскар ҳар доим сергак, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши зарурлигини англаб етдик.

Л.СУВОНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

## ОДАМ САВДОСИ — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Инсон озод ва бахтиёр яшашга ҳақли, у олий қадриятдир. Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб муҳтарам Президентимиз томонидан энг олий мақсад, деб белгиланган бу ҳақиқат адолат тамойилларига асосланган қонунларимизда ҳам ўз аксини топиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» бобининг киритилганлиги ва унда юртимиз фуқаролари эга бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг умумжаҳон эътироф этган меъёрлар даражасида қайд этилганлиги, энг асосийси, инсонни камситиш ва ҳурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги белгиланганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Бу талаб Бош қонунимизнинг 43-моддаси билан шундай мустаҳкамланган: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди». Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам барча инсонлар тенг ва эркин эканлиги кафолатлашиб қўйилган.

Бироқ бугунги кунда жаҳонда инсоннинг ҳурлиги ва эркинлиги дахл, одамнинг бахтли ва фаровон яшашга бўлган интилишига тўсқинлик қилаётган янги-янги жиноят турлари пайдо бўлмоқда. Шулардан бири, айна пайтда, инсонлар дунёни ташвишга солаётган одам савдоси жиноятидир. Ушбу жиноий фаолият замирида мажбурий қуллик, ҳўрлик ва камситишлар ётибди. Халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра, айна пайтда жаҳонда бир

неча ўн миллион одам «қуллик»ка мубтало қилинган. Уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу жиноят нафақат энди ривожланган мамлакатларда, балки Европа ва Америкада ҳам илдиэ отган. БМТнинг маълумотига кўра, ҳеч бир мамлакат «қуллар савдоси»дан четда қолмаган.

Дунё ҳамжамиятининг ажралмас бир қисми бўлган мамлакатимизга ҳам бу мудҳиш жиноят кириб келганлиги боис, республикамизда одам савдоси жиноятини тағтомири билан йўқотиш мақсадида зарур чоралар белгиланди. Бу борада, биринчи навбатда, миллий қонунчилигимизда одам савдосига қарши кураш бўйича ҳуқуқий асослар яратилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2003 йил 12 декабрда БМТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенциялари ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, шу асосда «2008—2010 йилларда одам савдосига қарши кураш самардорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси»нинг тасдиқланиши мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мантқий давоми бўлди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

РАЁСАТ ЙИГИЛИШЛАРИ

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



АВВАЛ хабар берганимиздек, айна кунларда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳудудий бўлим бошқарувида 2009 йилги фаолият якунлари сарҳисоб этилиб, жорий Баркамол авлод йилида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни белгилаб олишга қаратилган ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтаётди. Уларда Раёсат аъзолари ўтган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда жамғарманинг йиллик иш режасига биноан амалга оширилган ишларни танқидий, таҳлилий нуқтаи назардан қўриб чиқаётгани ҳамда қўлга киритилган ютуқлар ва тўпланган тажрибаларни кенг омалаштириш, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш борасида қарорлар қабул қилинаётгани аҳамиятга молик. Утган иш ҳафтаида «Маҳалла» жамғармасининг Андижон, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхон-

дарё, Тошкент, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари бўлимларида ўтказилган йиғилишлар ана шундай жонли, баҳс-мунозаралар асосида ўтди. Хусусан, жамғарма мутасаддилари ҳомийлар кўмагидан, маҳаллалардаги пиру бадавлат отахон ва онахонлар, фаолларнинг тажрибасидан, ёшларнинг шижоатидан унумли фойдаланиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар, фуқаролар кўнглига йўл топиш, ҳашарлар ўтказиш борасида бир қанча ютуқларни қўлга киритишди. Дарҳақиқат, ўтган йил қишлоқларда фаровон турмуш тарзини қўриб олишда, замонавий иншоотлар бунёд этишда самарали келди. Барча вилоятларда ўнлаб тураржой бинолари, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Ҳозир бу кўркам уйларида кам таъминланган ва ёш оилалар ҳам истиқомат қилишапти. Савдо шохобчалари

аҳоли хизматида. Эътибор қаратадиган бўлсак, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида маҳалла ҳаётининг барча жабҳаларида, хоҳ маънавий-маърифий, спорт, хоҳ бунёдкорлик, тарғибот-ташвиқот бўлсин, кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, йиғилишларда йил дастурида белгиланган вазифалар моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этиш, болалар спортини ривожлантириш, фаолиятга тегишли кўрик-танловларни кўтаринки руҳда ўтказиш, ёшлар таълим-тарбиясини самарали ташкил этиш бўйича бажарилган ишлар алоҳида эътироф этилди. Сир эмас, бугун жамғарма бўлимларидаги ҳисобот йиғилишларида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари рағбатлантириш мақсадида ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфлашга муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис, харажатлар тақсимотини белгилаш жараёнида илғор тажрибаларни назарда тутиш, фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари кўмагида ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, жамғарма бўлимларининг жорий йилги иш режалари тасдиқланиб, баркамол авлоднинг воғга етказишга қаратилган тадбирлар кўламини янада кенгайтиришга, Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини тегишли тартибда ҳаётга татбиқ этишга келишиб олинди. Мухбирларимиз

КўРИК-ТАНЛОВ

## РАҒБАТ ВА МУКОФОТ

ИШ суръатини янада жонлантиришга хизмат қилади



Жамиятимиз, халқимиз тинчлигига раҳна солаётган ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарлик, жиноят ва ёвуз мақсадли хатти-ҳарати, тартибузарликларнинг олдини олиш, маҳаллаларда осойишталикни таъминлашда ўзининг намунали фаолияти билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган ички ишлар ходимлари, профилактика нозирлари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари эътиборга лойиқ. Улар фаолиятини баҳолаш, илғорларни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар профилактика инспекторларининг ижтимоий ҳаётдаги ролини, мавқени оширишда, маҳалла билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда қўл келаётди. Яқинда пойтахтимиздаги «Тур-

кстон» саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда бир неча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида милиция таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлаш, тизимда ишларни намунали йўлга қўйган милиция таянч пунктларини аниқлаш ва уларнинг тажрибаларини омалаштириш мақсадида ташкил этилган «Намунали милиция таянч пункти» кўргазмали кўрик-танловнинг республика босқичи голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИ > [4]

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ПИЛЛАЧИЛИК — ЕТАКЧИ ТАРМОҚ

Пиллачилик бугунги кунда Жиззах вилояти агросаноат секторининг етакчи тармоғига айланган. Сўнгги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, воҳада мўл ва сифатли пилла хомашёси тайёрланаётди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган сазй-ҳаракатлар яхши натижа беряпти. Қолаверса, вилоят ҳокимининг «Вилоятда пилла хомашёсини етиштириш ва янги тизимда қаторларини ташкил қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ҳам пиллачиликнинг жадал ривож топишида омил бўлаётди. Айтиш керакки, ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида жиззахлик пиллакорлар зиммаларидаги вазифани ортиғи билан адо этдилар. 4918 та фермер хўжаликчилиги билан шартнома тузган корхоналаримиз улардан 588,2 тонна сифатли пилла хомашёси қабул қилиб олди. Бу борада «Маҳалла» жамғармасининг вилоят ва туман бўлимлари ҳам фаол иштирок этди. Вилоятда пилла етиштириш жараёнида маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари жонбозлик кўрсатишди. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

# ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

< [1]

Шунингдек, одам савдосининг ижтимоий ҳавфлилик даражаси юқори эканлиги, жамият аъзоларининг соғлиғи, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига таъвоуз қилиши, айниқса, ёшларнинг ахлоқиға салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги каби ҳолатлар эътиборга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бу иллатга қарши жазо чоралари кўчатирилди.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам давлатимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қимматини ҳимоя қилиши таъминлаш йўлидан изчил бораётганлигига далилди.

Юқорида қайд этилган қонунга биноан, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тузилиб, Президентимизнинг Қарори билан комиссия аъзолари таркиби, комиссия Низоми ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу қонун ва Президентимиз қарорига белгиланган вазифалар ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳудудда қонунларга риоя этилиши, фуқаролар ва ёшларнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларининг ҳимоя қилиниши каби масалалар ижросига масъул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг бу иллатга қарши курашишда фаоллигини янада ошириш борасида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг раёсат қарори қабул қилиниб, ишчи гуруҳи тузилиди ва амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Мухтарам Президентимиз маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида урғу бериб, шундай деган эдилар: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда

кўпдан кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, хайити ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлиси ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса, халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келадиган таваққуф тарзи-дир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни такозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».

Шундай эзгу мақсадлар йўлида фаолият олиб бораётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари одам савдосига қарши курашишда ўз олдларига аниқ чора-тадбирлар белгиланган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Аввало одам савдосининг олдини олиш мақсадида тарбия-ташвиқот ишларини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг роли ошмоқда. Қолаверса, тушунтириш ишларини маҳаллалардан бошлаш ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Тарбия, тушунтириш ишларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг барча қатламлари ичига кириб бориш мақсадида мавжуд 8 мингдан ортиқ фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳузурда «Одам савдосига қарши курашиш» бўйича жамоатчилик кенгашлари тузилган. Кенгаш таркибига фуқаролар йиғини раиси, масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика нозирлари, посбонлар ҳамда маҳаллаларда яшовчи обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар киририлган. Шунингдек, бу турдаги жиноятга барҳам бериш, жабрланувчилар сонини камайтириш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкор-

лик ўрнатилиб, фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган 8 мингдан зиёд диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг қарийб 51 минг нафар посбонлари имкониятларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жойлардаги одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларо комиссия ва тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Хусусан, одам савдоси билан боғлиқ ҳар бир ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари биргаликда ўрганилиб, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетганлар, фуқароларни мажбурий меҳнат ёки бошқа мақсадларда ёллашга мойил бўлган шахсларни аниқлаш каби масалаларда ҳудуд профилактика инспекторлари билан муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида тарбиявий-ахлоқий мавзуларда ташкил этилаётган давра суҳбатларига ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, прокуратура ва суд идоралари ходимлари жалб қилинмоқда. Шунингдек, ички ишлар идоралари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларидаги мавжуд маълумот ва рақамларда фарқ кузатилса, маҳалла фуқаролар йиғинлари тақдим этган маълумотлар ишончли манба сифатида ўрганилмоқда.

Жумладан, Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йиллида одам савдосига қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг ҳавфи ва аянчли оқибатларини фож этиш мақсадида 20 минг 652 маротаба учрашув, давра суҳбати ва очик мулоқотлар ўтказилди. Ушбу тадбирларга жами 1 миллиондан ортиқ турли ёшдаги аҳоли жалб қилинди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида 9 мингга

яқин учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилиб ва тарбия-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун ўқув қўлланмалари, буклетлар, «Анданиб қолманг», «Қулликка рози бўлманг», «Одам савдоси — қуллик балоси» мавзуларидаги плакатлар тарқатилди.

Эътиборлиси шуки, республика миқёсидаги ўзини ўзи бошқариш органларида одам савдоси билан боғлиқ маълумотлар базасини яратиш мақсадида хорижда кетган ва маҳаллада узоқ муддатдан бўён истиқомат қилмаётган фуқароларни рўйхатга олиш китоби ташкил этилган. Маҳаллалар ҳудудларида кўринарли жойларга фуқароларнинг ушбу масалаларда муносабат этишлари мумкин бўлган ишонч телефонлари рақамлари осиб қўйилган. Бундан ташқари, аҳолига касб-хўнара ўргатиш, маҳалланинг ўзида иш билан таъминлаш мақсадида гузарларда турли марказлар ташкил этилмоқда. Бу марказларда маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, касб-хўнара ўргатиш курслари фаолият юритиб келяпти. Натижада кўллаб фуқаролар иш билан таъминланмоқда.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан маҳалла ҳудудидан хорижий мамлакатларга ишга кетган фуқароларнинг оила аъзолари аҳолидан мунтазам хабар олиб туриш, хориждан қайтиб келган фуқароларнинг тиббий қўриқдам ўтишларини ташкил этиш, одам савдоси туфайли хорижий мамлакатлардан қайтиб келган фуқароларга маънавий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳоли ва ёшларни хорижда ишлашга ёллашга мойил бўлган шахсларни тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш каби кўллаб вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

Шунга қарамайдан, айрим фуқароларнинг қаллоблиги, нафс ипига боғланиб, ўзгалар бахтсиз-

лиги орқали бўлса-да бойлик ортирашга бўлган ҳирслари, баъзи фуқароларимизнинг эса қонунларни яхши билмасликлари ёки уларга амал қилмасликлари оқибатида одам савдосидан жабрланган фуқаролар кўпаймоқда.

Ҳозиргача республика миқёси бўйича одам савдоси қурбони бўлган фуқароларнинг 1000 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил этади.

Қонунда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ҳимоялаш тартиблари белгиланган бўлиб, шунга қўра фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 1585 нафар фуқарога ҳуқуқий, 2000 нафар фуқарога руҳий, 1000 нафар фуқарога тиббий ёрдамлар, 1097 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога жағмарга ва ҳомийлар томонидан 27 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилиб ёки ёрдамлар кўрсатилиши ташкил этилди. Шунингдек, 559 нафар эркак, аёл ва вояга етмаган ёшлар ўқув курсларига жалб қилиниб, уларга касб-хўнара ўргатиш бўлиб.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, одам савдосига қарши курашишни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмиталари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа манфатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бормоқдамиз ва бу борадаги хатти-ҳаракатларни янада ривожлантираёмиз. Албатта, кам бўлса-да, фуқаролар йиғинлари раислари ёки жамоатчилик кенгашларининг, айрим ҳолларда жағмарга масъул ходимларнинг инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бу долзарб масалалар, қолаверса, қонун ижросига жиддий ёндашмаётган ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, яқинда ўтказилган ўрганишлар натижасида жағмарнинг Тошкент шаҳар бўлими, Чилонзор, Собир Раҳимов туман

бўлинмалари ҳамда Собир Раҳимов тумани «Намуна», «Қорасарой», ва Яққасарой тумани «Бошлик» маҳалла фуқаролари йиғинларида қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартаф эшти бўйича чоралар белгиланди.

Маҳалла чинакам маънавият, маърифат, маданият ўчоғи бўлса, унда вояга етган фуқаролар инсон ҳуқуқларини шафқатсизларча таҳқирловчи иллат — одамфурўшликка қўл урмаслигига эришиш ушбу йўлдаги мақсадларимиздан биридир. Шундагина мўмай даромаднинг ваъда қилиб, ўн гулдан бир гули очилмаган ёшларни, ишлаб оиласини боқиш, яхши яшаш умидида юрган ҳаётларини қуллик ботқоғига ботирмайдиган.

Одам савдоси ижтимоий иллат сифатида маълум бир тоифадаги инсонларнинг эмас, балки дунё ҳамжамиятининг катта муаммоларидан бирига айланган экан, уни тағ-томири билан йўқотишга, бартаф эштишга барча илғор кучлар сафарбар этилган ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ижобий натижалар беради, деб ишонамиз.

Мухтарам Президентимиз 2010 йилни «Баркамол авлод йили», деб номлади. Баркамол авлод Ватанимиз буюк келажакнинг бунёдкорларидир. Жорий йилда амалга оширадиган ишларимиз «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг. Шундай экан, 2010 йилда фуқароларимизнинг одам савдоси каби жирканч иллатларга дучор бўлмаслиги учун масъул идоралар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатлик ва яқдиллигимиз давом этади.

**Анвар АҲМЕДОВ,**  
**Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси.**



## Республикамиз маҳаллаларида

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ МУҲОКАМАСИ

КУНИ кеча Марғилон шаҳридаги «Янги бог» маҳалла фуқаролар йиғинида шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда шаҳар ИИБ ҳамкорлигида 2010 йил — Баркамол авлод йилида ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турган долзарб вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳудудидagi барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва фаоллар иштирок этди.

Семинар иштирокчилари дастлаб «Янги бог» маҳалласида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Сўнгра мутасадди раҳбарлар томонидан йил Дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, унинг ижросини таъминлаш, во-

яга етмаган ёшлар ўртасида жиноят, ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, балоғат ёшидаги қиз-жувонларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, яширин ҳолатларда ёшларнинг диний билими олишга йўл қўймаслик масалалари атрофида муҳокама этилди. Тадбир сўнгида, маҳаллалар тинчлиги, оилаларнинг мустақамлиги, ёшлар баркамоллигини таъминлашда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, аҳоли орасида репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбир режаси ишлаб чиқилди.

Семинарда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди.

**Мухбиримиз**

### МИЛЛИЙ ЛИБОС КЎРГАЗМАСИ

ЯҚИНДА «Хўнараманд» уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан Кегейли тумани Халқобод шаҳрида истиқомат қилаётган хусусий тадбиркор Нағийма Алланазарованинг миллий хўнарамандчилик асосида тайёрлаган дўппи ва чопонлари кўргазмага қўйилди.

— Миллий либослар тикишнинг ўзига хос масъулияти бор,

— дейди чевар тадбиркор Н.Алланазарова. — Негаки бунда қадимий ва бой маданий меросимиз акс этади.

Эътиборлиси, хўнараманд аёл уй шароитида тикув чехи ташкил этиб, 15 нафар қиз-жувонга тикиш-бичишни ўргатмоқда.

**Қонисбой РЕЙМОВ,**  
**«Mahalla» мухбири.**

### ҚИШЛОҚ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШДИ

ЗОМИН тумани Қудуқча қишлоғидаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежиде қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Махмуа замонавий шаклда бунёд этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Коллеж икки юз нафардан зиёд ўқувчиға мўлжалланган бўлиб, саккизта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади, —

дейди коллеж директори Д.Эргашева. — Бу таълим маканида барча шароитлар мавжуд. Шу боис, коллежимизда таълим олиб, касб-хўнара эгаллашни хоҳловчилар сони ортиб бормоқда.

Коллеж жамоаси ҳамда қишлоқ аҳли иншоот атрофида боғ яратиш ниётида.

**Абдували ҚАРИШЕВ,**  
**«Mahalla» мухбири.**

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

ЯНГИЕРЛИК тадбиркор С.Бобохонов банқдан олган 155 минг АҚШ доллар миқдоридаги кредит ҳисобига томёпгич-черепацалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хориждан келтирилган замонавий технологиялар воситасида кунига 800 квадрат метрга-

ча қурилиш моллари тайёрланадиган корхонада 25 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона маҳсулотлари нафақат Сирдарёда, балки бошқа вилоятларда ҳам сотилмоқда.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОВ,**  
**«Mahalla» мухбири.**

## МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

### ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

НАВОИЙ шаҳридаги «Хончорбоғ» маҳалласида истиқомат қилаётган уч мингга яқин аҳолининг биргаликдаги уюшқоқлиги боис ҳудуддаги энг намунали йиғинлардан бири сифатида эътироф этилади.

Оқсоқол ва фаолларнинг ташаббускорлиги билан бу маскан йилдан йилга чирой очмоқда. Бундан уч йил илгари маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва ҳомий ташкилотлар кўмаги билан маҳалла марказини бунёд этишганди.

— Марказда ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди оқсоқол Х.Худойбердиев. — Бундай қулайликларнинг яратилишида «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлин-

маси ҳамда ҳомийлар ҳиммати алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар кўмағида гузар барча ускуналар, жумладан, компьютер жамланмаси, телефон тармоғи, нусха кўчириш аппарати ва бошқа зарур жиҳозларга эга бўлди. Фуқаролар муносабатлари фаоллар ва кўпни кўрган кайвонилар билан шу ерда кўриб чиқилди. Шу боис, биз марказни аҳолини эзгу мақсад йўлида бирлаштирувчи гўша, деб ҳисоблаймиз.

Жорий 2010 йилда маркази ва савдо шохобчалари ташкил этиш режалаштирилган.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**  
**«Mahalla» мухбири.**



## ПИЛЛАЧИЛИК — ЕТАКЧИ ТАРМОҚ



< [1]

Шартномавий топшириқ 101,4 фозига баҳарилди. Етиштирилган маҳсулот «Тошкент тола ипағи», «Ху-Али», «Сильвер-Силк» ҳамда «Салтанат кўргони» пиллачилик корхоналари орқали сотилди. Бу ишда Жиззах, Пахтакор, Фаллаорол ҳамда Фориш туманлари пиллачилари юқори кўрсаткичга эришди. Пиллакорларнинг иш ҳақи оширилгани ҳисобига, меҳнатга бўлган рағбат ҳам анча юқори бўлди.

Вилоят «Пилла» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ва барча пиллакорларимиз айна кўнларда аниқ вазифаларни белгилаб олганлар. Шу мақсадда улар, биринчи гада, мавжуд тут қўнчалари ва тут-

зорлар парваришини яхшилаш, қўнчалар ораларига ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш, буташ, оқлаш ва дориллаш борасида бир қатор ишларни амалга оширишаётир. Қиш кўнларидан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлган деҳқонлар тут қўнчалари ўтказиш, тутзорлар орасидаги бўш жойларни янги ниҳоллар билан тўлдирши ишларини ҳам давом эттиришмоқда.

Жорий йилда вилоятга 11104 қўти ипак курти уруғлари олиб келиниши режалаштирилган. Унинг 9000 қўтиси «Сильвер-Силк» қўшма корхонаси, 2104 қўтиси Навоий вилоятининг маҳаллий уруғчилик корхонасидан келтирилди. Вилоятимизда мазкур корхоналар маҳсулотни асосида иш юритилиб, катта ютуқларга эришилгани боис, бу йил ҳам уларнинг пилла уруғидан фойдаланишга қарор қилинди.

Тут барглари ривожланишига қараб, вилоятнинг чўл зоналарида жойлашган туманларида апрель ойининг бошида уруғлар инкубаторларга жойлаштирилади ва 20 апрелдан кечиктирмасдан ўз эгаларига тарқатиб берилади. Тоғолди ҳудудда жойлашган Бахмал, Фаллаорол, Фориш, Зомин ва Янгиобод туманларида бу жараён 5 майдан кечикмасдан ниҳоясига ет-

казилади. Айни кўнларда туманларда пилла қабул қилиш пунктларини мавсумга тайёрлаш, мавжуд 14 та пилла қуриш қурилмаларини мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун ташкиллаштирилган ишчи гуруҳлари ипак қўртларининг ўз вақтида тарқатилиши ва парваршига амалий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, улар пилла курти тарқатиш далолатномасини ва тарқатилган уруғнинг фермерлар кесимидаги назорати билан ҳам шугулланишади. Ушбу гуруҳларда соҳа ишини яхши биладиган кишиларнинг борлиги муаммолар ечимини топишда қўл келмоқда.

Пиллакорларнинг меҳнатга рағбатини ошириш мақсадида мавсум олдидан уларга 250 миллион сўмлик ипак курти уруғи билан бирга зарур жиҳозлар ҳам етказиб берилди. Хонадонларга ипак куртини тарқатиш олдидан 320 миллион сўм миқдорда аванс маблағлари тарқатилди. Қолган 530 миллион сўм пул шартномада белгиланган муддатларда яқуний ҳисоб-китоб қилинади.

Вилоят «Пилла» масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вази-

лар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 24 декабрида қабул қилинган «2010 йилда пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустақамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиб-ни ижро этиш юзасидан назорат режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Унга қўра 2010 йилда 605 тонна пилла етиштириш, 300 гектар ерга 990 минг туп қўнчат ўтказиш, тутзорлар ва тут қаторлари ташкил қилиш режалаштирилди. Айни чоғда вилоятда етарли миқдорда тут захираси мавжуд. 2010 йил тут қўнчалари экиш топшириғи ҳисобидан 2009 йил кузида вилоят «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамда маҳалла фаоллари кўмағида 41,3 гектар майдонга 135,3 минг дона қўнчат яқка қатор тартибда ўтказилди.

Ҳозир вилоятда 2010 йил пилла хомашёси етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузиш жараёни давом эттирилмоқда. Бугунга қадар 3940 та фермер ҳўжалиги билан шартномалар имзоланди.

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,**  
**Жиззах вилоти «Пилла» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси.**

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ҲЕЧ БИР ОИЛА  
ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

“Тараққиётнинг ўзбек модели” дея тан олинган мустақил ривожланиш йўлимининг негизда кучли ижтимоий ҳимоя масаласи туради. Ана шу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни алоҳида. Ким аслида ҳақиқий эҳтиёжманд эканини йигини ходимлари яхши билгани боис, вилоятимиздаги мавжуд маҳаллаларда қатъий тартиб йўлга қўйилган. Яъни ҳар бир оиланинг аҳоли пухта ўрганилиб, муаммолари, эҳтиёжларига қараб амалий ёрдам кўрсатилаётган.

Масалан, Муборак туманида 17 та маҳалла, 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. “Оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилганки, уларнинг фаолиятини бир-биридан айрича тасаввур эта олмайсиз. Бир оила ёки ўқувчининг таълим олиши мақсад ҳам, маҳалла ҳам ўзиники деб қабул қилади. Муаммолар биргаликда ечилади. Айниқса, фуқаролар йиғинлари раислари хонадонлардаги муаммоларни жуда яхши билишади. Шу боис, камчиликларни бартараф этиш қийин кечмайди. Маҳалла ҳисобидан, жуда бўлмаса, тадбиркор, фермер ёки ташиқлот раҳбарининг кўнгилни топиб, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам ажратишга эришилади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб оилаларнинг иқтисодий аҳоли яхшиланди, касб-корга лаёқати бор фуқаролар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Уларга банклардан имтиёзли кредитлар олишда йиғин мутасаддилари яқиндан кўмак беришмоқда.

Бундай ишлар вилоятдаги деярли барча маҳалла ва қишлоқларда амалга ошириляпти. Ўтган 2009 йилда «Маҳалла» жамғармаси ҳисобидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 40 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, вилоят бўйича 90 та оилалар биттадан қорамол ажратилди. Ҳозир бу қорамоллар сони кўпайиб, оилалар даромади ҳам икки ҳиссага ошган.

Айтиш жоизки, бугун “Маҳалла” жамғармасининг вилоятдаги бўли-

ми ва бўлинмалари одамларнинг энг яқин кўмақчисига айланган. Буни узоқ қишлоқлардан тортиб, шаҳар маҳаллаларида яшовчи аҳоли ҳам ҳис этаётган. Мисол учун, Қашқи туманидаги узоқ тоғли ҳудуд ҳисобланган Кон қишлоғида яшовчи У.Алимова туз қони кўчиб, уйини босиб қолгани сабабли ёрдамга муҳтожлигини хат орқали маълум қилибди. Дастлаб, жабрланувчига жамғарма ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва 300 минг сўм ёрдам етказилди. Сўнгра туман ҳокимлиги билан келишиб, бу оилани уй-жой билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал этдик. Китоб туманидаги Ваткана қишлоғида истиқомат қилувчи Қ.Топилова ота-онасиз жисмоний имкониятлари чекланган наварасини қарамоғига олиб, неча йиллардан буён парваришлаб келади. Жамғармаимиз томонидан деярли ҳар йили болани парваришлаш учун маълум миқдорда маблағ ажратамиз. Ҳозиргача 2 миллион сўмга яқин ёрдам кўрсатилди.

Қарши туманидаги Хитойкенти қишлоғида яшовчи Л.Турсунова 2 нафар ногирон фарзандини тарбияляпти. Болаларни иқтидорли, илим олишга иштиёқманд, дунёқарашли кенг. Уларнинг энг катта орзуларидан бири компьютерда ишлаш, унинг имкониятларидан фойдаланиш эканини эшитиб, компьютер жамланмасини совға қилдик. Олий ўқув юртидаги тўлов-контракт асосида таълим олаётган-ижтимоий муҳтофазга муҳтож талабаларнинг ўқиши учун жамғарма ҳисобидан 2 миллион 800 минг сўм ажратилди.

Беминнат мадад инсонга қанча куч-қувват, умид бағишлайди. Жамғарманинг кўмаги билан ўзини, оилавий шароитини тиклаб олган, орттирган сармоясига эвазига тадбиркорлик қилиб, даромад олаётганлар кўп. Бу бизни қувонтиради, албатта. Пиру бадавлатларимиз: “Имконини топсанг, саховат қил, бўлмаса ширин сўз билан кўнглини кўтар”, деганларидек жойлардаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳар бир оила ва фуқаронинг ҳолидан, турмушидаги камчиликларидан воқиф бўлиб, тегишли ёрдамларни кўрсатяпти. Ўйлаётганимиз, бундай хайрли ишлар кўзлаган улғувор мақсадларимизга эришишда қўл келади.

**Долли АЛЛАЕВ,**  
“Маҳалла” жамғармасининг  
Қашқадарё вилояти бўлими  
раиси.

Ёшлар юртнинг эртаси. Уларни комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида Қашқадарё вилоятида ҳам эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Қарши шаҳридаги маданият коллежида бу борада олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.



Қарши маданият коллежи талабалари «Эл-юрт таянчи» монументи олдида

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДАГИ УЙЛАР

ДАСТЛАБ БИЗНИНГ ҚИШЛОҚДА ҚУРИЛА БОШЛАГАН, ДЕЙИШАДИ ҚЎШҚАНОТЛИКЛАР

Одатда қишлоқлар мусоффо ҳавоси, сўлим табиати, содда, хушфавёл одамлари билан ажралиб туради. Шаҳарисабз туманидаги Қўшқанот қишлоғи ҳам Хисор тоғ-тизмаларига туташиб кетгани, бир ёнда Танҳо дарёси оқиб тургани боис, табиати бетақрор мазмун. Маркази шаҳарни эслатадиган Қўшқанот замонавий қишлоқ. Кенг ва раво кўчалар, хашаматли бинолар, савдо дўконлари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари, дид билан қурилган уйлар ва кўм-кўк дарахтзорлар бу масканга фойза, кўрк бахш этиб турибди.

Қишлоқ аҳли: “Намунавий лойиҳадаги уйлар дастлаб бизнинг қишлоқда қурила бошлаган”, дейишади ва бу гапда жон бор.

Президентимиз вилоятимизда раҳбар бўлиб ишлаган кезлари қишлоғимизга кўп бор ташриф буюрган эдилар, — дея хотирлайди меҳнат фахрийси Жалил ота Тўраев. — Ҳар келганларида бир янгилик киритиб кетардилар. Натيجанда биз тоғлиқлар учун қулай имкониятлар яратилди. Маданият саройи дейсизми, маийший хизмат кўрсатиш мажмуаси, газ, электр энергия, ичимлик суви — ҳамма-

ҳаммаси бор. Эҳ-хе, пишиқ гиштдан қурилган замонавий уйларни айтмайсизми. Шундай чиройли иморатларда яшаш етти ухлаб тушимизга кирмаган эди.

Дарҳақиқат, қишлоқ қиёфасининг тубдан ўзгариши билан боғлиқ хайрли ишларнинг тамал тоши бундан чамаси 20 йиллар муқаддам қўйилган эди. Ушунда қисқа муддат ичида қишлоқда 42 та шинам уй бунёд этилди. Лойиҳа асосида қад ростлаган тураржойларда қишлоқ оиласи учун зарур бўлган барча қулайликлар мавжуд. Бугун қишлоқ аҳли учун намунавий лойиҳадаги уйларни қуриш бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёйган. Бу борада муҳтарам Юртбошимиз раҳномолигида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, янги ва замонавий тураржойларни, ижтимоий объектларни бош лойиҳа асосида барпо этишнинг ҳуқуқий ва молиявий асослари яратилди. Бу қишлоқларда бунёд этилган намунавий аҳоли пунктларида ўз ифодасини топмоқда. Чунончи, Қўшқанотда архитектура қоидалари асосида бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, замонавий 2 қаватли уйлар қуриляпти. Аҳоли тур-

муш даражаси кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Хонадонлардаги боғлар, гулзорларни кўриб, баҳри-дилнинг очилади. Қишлоқликлар тадбиркорлик, деҳқончиликдан ташқари, томорқаларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Қай бир хонадонга кирманг иссиқ-хоналарга кўзингиз тушади. Қишлоқ хонадонларидаги дастурхонлардан қишин-ёзин лимон, помидор, бодринг каби полиз маҳсулотлари аримайди.

Тадбиркорлар ободончиликка, аҳолини иш билан таъминлашга муносиб улуш қўшишаётган. Яқинда нон пишириш цехи ишга туширилди. Бу ерда бир кеча кундузда 800 дона нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Натижанда аҳоли арзон ва сифатли маҳсулотлардан баҳраманд бўлмоқда. Цех ишга тушиши муносабати билан бир неча киши ишли бўлди. Янгидан фаолиятини бошлаган ошхонада 5 та иш ўрни яратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзиде қишлоқда 38 та савдо шохобчаси қурилди. Айтиш кунларда қишлоқнинг ички йўллари ҳомий қорхона ва тадбиркорлар томонидан асфальт қилинаётган.

Узоқ тоғ қишлоғи фарзандлари бугун компьютердан фойдаланиб,

интернет орқали хорижий давлатлардаги нуфузли ўқув юртилари билан алоқа боғлашган. Тоғ ҳавоси ва бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, бу ерда юрак қон томири касалликлари санаторийси фаолият юритаётган.

Замонга қараб одамларимизнинг турмуш тарзи ҳам ўзгарапти, — дейди Жалил ота. — Ҳозир тўйларимиз ҳам ресторанларда ўтаяпти. Мана шу асфальт йўллар бир вақтлар тошқоқ эди десам, бугун ҳеч ким ишонмайди. Мустақиллик йилларида қишлоғимиз янги-ча қиёфа касб этди-да.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Эшонқулованинг айтишича, ҳудудни ободонлаштириш бўйича ишлаб чиқилган махсус режага қўра, янги тураржой бинолари бунёд этиш, тадбиркорлар кўмагида хориждан минитехнологиялар олиб келиниб, кичик ишлаб чиқариш қорхоналарини ишга тушириш кўзда тутиляпти.

Қўшқанот қишлоғи тоғлар бағрида жойлашган, жаннатмонанд гўша. У мавжуд имкониятлари, ястаниб ётган лалми ерлари, меҳнаткаш, замонга қараб иш тутадиган, эзгу ниятли одамлари билан янада кўркам кўринади.

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## ЧЕККА ҚИШЛОҚДАГИ ҲАШАМАТЛИ ИНШОТ

БАДИЙ ГИМНАСТИКА ЗАЛИ ҚУРИЛГАН, “СПОРТЧИ БЎЛАМАН”, ДЕГАН ЁШЛАРИМИЗ, АЙНИҚСА, ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ САФИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда Косон тумани Гувалк қишлоғидаги спорт мажмуаси қошида халқаро андозаларга мос бадий гимнастика зали бунёд этилгани ёшларнинг бу нафис спорт турига қизиқишини оширди.

— Аяҳон, Шоира опама ўшаб гимнастикани бўлмоқчиман. Мени ҳам бадий гимнастика залига олиб бориинг.

— Ҳали ёшлиқ қиласан.

— Илтмос, жуда боргим келяпти.

Бугун Косон туманидаги Гувалк қишлоғининг қайси бир хонадонига борманг ана шундай баҳсининг гувоҳи бўласиз. Қишлоқда бадий гимнастика зали қурилди. Ўзиям худди олимпий ўйинлари ўтказилган спорт саройини эслатади. Республикада ягона, деганларича бор. Халқаро меъёрларга тўла жавоб беради. Эни 18 метр, узунлиги 30 метрга тенг иншоотнинг баландлиги 9 метрни ташкил қилади. Мазкур зал турли ёшдаги қизлар учун мўлжалланган махсус гимнастика ускуналари ва кўзулар, шунингдек, электрон табло, мусиқа асбоблари ҳамда иқлим мўътадиллигини таъминловчи ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, тренажёр зали, мураббийлар, назарий машғулотлар ва табиий хизмат хоналари, гимнастикчиларнинг кийиниш, пардоз-андоз қилиш, ювиниши ва ҳатто кийимларни давомлаштириш учун алоҳида хоналар мавжуд. Чека бир қишлоқда шундай ҳашаматли спорт иншооти қурилади, деб ким ўйлабди, дейсиз.

— Юртбошимиз вилоятимизга ташриф буюрганида гимнастикачи қизларимиз билан учрашув ўтказгандилар. Ушунда қизларимиз қишлоғимизда замонавий гимнастика зали бўлишини орзу қилишларини айтишганди, — дея хикоя қилади

спорт мажмуасининг бадий гимнастика бўйича мураббийи Сабоҳат Одилова. — Кўп ўтмай спорт мажмуамиз ёнидан қурилиш бошланди. Қисқа муддатда орзуимиздагидан ҳам зиёда гимнастика зали барпо этилди. Қизларимизнинг қанчалик қувонганини тасаввур этишингиз қийин.

Аслида, бундай ғамхўрлик ва эътибордан қишлоқ аҳлининг боши осмонга етди.

— Тўғриси, бу биз учун қутилмаган тўхфа бўлди. Ҳозир қаерга борсак, оғзимиз тўлиб мактанамиз, — дейди мажмуа раҳбари Ўктам Султонов. — Бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар сони қарийб 3 бараварга кўпайиб, жами 300 нафардан ошди.

Айни чоғда, бу ерда фақат гувалякликлар эмас, балки яқин атрофдаги Ушқоттепа, Бўлмас, Бойғунди сингари 8 та қишлоқ ўқувчи-ёшлари спорт билан шуғулланишмоқда. Мажмуа эртдан кечгача спортсевар ёшлар билан гавжум. Қизлар орасида вилоят, республика ва китъа миқёсидаги мусобақалар соҳибдорлари бор.

— Барча қулайликларга эга спорт иншооти қуриб бергани учун Юртбошимиздан миннатдоримиз. Бизга билдирилган ишонча муносиб жавоб қайтариш учун жаҳон спорт ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтаришга, аъло ўқишга астойдил ҳаракат қилиянимиз, — дейди гимнастикачи қиз Дилноза Тўштемирова.

— Қизим эндигина 3 ёшга тўлди. Гимнастика билан шуғулланишга қизиқиш билдиргани учун, уни залга олиб боряман, — дейди гуваляклик Гулчеҳра Холиқуллова. — Бир ҳафтадан буён қатнаямиз. Ҳозир у қаддини тик туттишни, дадил қад ташлашни ўрганапти. Тўғриси қай-



тсам, бу спорт турига ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Спорт зали шунчалик хушбичимки, кирсангиз чиқингиз келмайди.

Спорт мажмуасида спортнинг миллий кураш, дзю-до, самбо, футбол, шахмат-шашка, таэквандо каби турлари бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади. Бу ерда тарбияланган спортчилардан 11 нафари жаҳон чемпионатларида, 44 нафари халқаро турнирларда, 195 нафари республика миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни қўлга киритган. Хусусан, яқинда 5 нафар спортчи Украина, Греция, Болгария давлатларида бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб қайтишди.

— Ҳар гал мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилганда юра-

гим ҳис-ҳаяжонга тўлиб кетади, — дейди самбо бўйича 3 карра жаҳон, олти карра Осиё чемпиони Соҳиба Эштемирова. — Бизга ўз имкониятларимизни намойиш этиш учун шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан жуда мамнунимиз. Ҳали орзуларим кўп. Улардан бири олимпиада олиб борилади. Бу ерда тарбияланган спортчилардан 11 нафари жаҳон чемпионатларида, 44 нафари халқаро турнирларда, 195 нафари республика миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни қўлга киритган. Хусусан, яқинда 5 нафар спортчи Украина, Греция, Болгария давлатларида бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб қайтишди.

— Ҳар гал мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилганда юра-

## ЭЪТИРОФ

ҚАДРИ БАЛАНД КУННИНГ  
ЮКСАКЛИКЛАРИ

ЮКСАЛИШ ҚИШЛОҒИДА ИФОДА ТОПГАН

Эли тўқнинг кўнгли тўқ, дейишади. Жуда топиб айтилган гап. Зотан, бугунгидек доираломон кунларнинг садағаси кетсанг арзийди-да. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, деганларга йўл очиб, бундайларни ҳуқуқимиз қўллаб-қувватлайди. Рўзғорда етишмовчилик бўлса, ҳомийлар ёрдам қўлини чўзади, фуқаролар йиғини имкон қадар кўмак беради. Жисмоний имконияти чекланганлар, қаровчисини йўқотган ва ёлғиз қариялар — барчаси эътиборда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги 3 та маҳаллада 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Элимиз деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Кафтерк ердан баракали ҳосил олади. Полиз, сабзавот маҳсулотлари, жуда бўлмаса, кўкат экиб ҳам даромад қилишади. Қишлоғимизда пахтачилик, галлачилик бўйича илғор фермерлар кўп. Уларнинг элга нафи теяпти, худудимизни обод гўшага айлантиришда, мактаб ва боғча, эҳтиёжмандлар учун беминнат ёрдам беришяпти.

Ислохотларнинг яна бир самараси шунда бўлдики, бугун аҳолининг ўзи яхши яшашга, кам-кўстиз турмуш кечиришга интилламоқда. Натижанда тадбиркорлик фаолияти кенг қулоқ ёйиб, саховатпеша ҳомийлар ўз даромадларининг бир қисмини маҳалла ободлиги, турмуш фаровонлиги йўлида сарф этаётган. Чорва моллари боқайтган тадбиркорларга ем-хашак етказиб бериш мақсадида арзон ва сифатли омухта ем тарқатадиган савдо шохобчалари ташкил қилинди. Уйда ўтириб меҳнат қиладиган хотин-қизларга касаначилик фаолиятини

йўлга қўйишда ёрдам бераймиз. Йигинимизни “Хунармандлар маҳалласи”, дейишади. Худудимизда қулорчилик устaxonлари кўп. Ҳар бир устaxonда 5-6 нафар хунарманд-ёшлар иш билан банд. Моҳир усталардан бири Бахтиёр Аминов ҳар йили 20 нафаргача ёшни шогирдликка олади. Шу боис, маҳаллада хунармандлар кўпчилики ташкил этади.

Йигинимиз худудидеги жойлашгани “Юрт ризқи” МЧЖда қишлоқдошларимиздан 120 нафари ишлайди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ўн турдаги маҳсулот аҳолига арзон нархларда сотилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Юксалиш қишлоғида намунавий уй-жойлар лойиҳаси асосида 20 та янги тураржой бунёд этилди. Ҳозир сўнги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. 2010 йилда ҳам худди шундай 15 та тураржой биноси қурилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш керакки, бугун қишлоғимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастури бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, мутахассислар, шифокорлар билан жойларда турли тадбирлар, учрашувлар ташкил этилаётган. Хонадонларда бўлиб, шарт-шароитлар билан танишиб чиқяймиз. Мактаб маъмурияти, маҳалла фаоллари ҳамда хотин-қизлар кўмағида ёшлар тарбиясига боғлиқ муаммолар изчил муҳокама қилиниб, вақтида ҳал этиб келинмоқда.

**Эргаш КАРИМОВ,**  
Касби туманидаги Юксалиш  
қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

## АХИЛЛИК, ЎЗГАЛАР КОРИГА ЯРАШ

ФАЗИЛАТИ маҳалладаги кундалик ташвишларни бартараф этишда, муаммоларга ечим топишда жуда-жуда асқатади

Бойсун тумани Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларида жойлашган. Иқлими, шароитлари, ҳатто урф-одатларию анъаналари ҳам ўзига хос. Бугунги кунда бу туманда 39 та маҳалла, 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тоғли ҳудуднинг қишлоқ ва маҳаллаларида ҳаёт мароми бироз бошқачароқ кечади. Ўзига хос шарт-шароитлардан келиб чиқиб, кундалик турмуш кун тартибига қўядиган муаммолар ҳам бошқа туманлардагидан фарқ қилади. Чунки қишлоқ ва маҳаллаларнинг аксарияти тоғ ва тоғолди ҳудудларида, асосий қисми эса туман марказидан жийла узокда, қир ва адирларда жойлашган. Табиийки, бундай шароитда одамлар билан ишлашда, аҳоли учун замон талаблари даражасида қулайликлар яратишда, кенг қўламда ободончилик ишларини олиб боришда ўзига хос мураккабликлар бўлади. Лекин тоғлиқларнинг тантлигию саботини таъкидлаб турадиган бир муҳим жиҳат борки, ана шу фазилат барча нуқулликларни енгиб ўтишда қўл келади. Бу — ўзаро аҳиллик, ўзгалар корига ярашга интилиш, ҳар бир қишлоқдош ёки маҳалладошнинг ўз туғишган жигаридек яқин олиш ҳусусиятидир. Бу фазилат кундалик ташвишларни бартараф этишда, муаммоларга ечим топишда жуда-жуда асқатади. Хусусан, муҳтожларга мадад қўлини чўзиш, қишлоқ ва маҳалла юмушларини биргалликда беминнат бажариш, етим-есирлар, ёлғиз ёки ногиронлар томорқасига, бог-роғларига ишлов беришда кўмаклашиш, тўйлар, маросим ва таъзияларни баҳамжиҳат ўтказишдек ўлмас анъаналар тоғлиқлар орасида азалдан бор. Ҳаётимизга маҳалла институти тамойил ва тажрибалари кириб кела бошлагач, бу каби анъаналар янада такомиллаштирилади, янги раҳ ва мазмун касб этади. Бу, айниқса, умумий тарзда ўтказиш ҳақларидан бойсунликларнинг уюшқочлик билан қатнашиб, дархотларга ишлов ва шакл беришларидан тортиб, мева ва манзарали кўчатлар ўтказиб, маҳаллаларни обод қўлга айлантиришдаги саъй-ҳаракатларига ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Болаларни асар-авайлаш, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш қонунчилигимизнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Шунингдек, миллий қонунчилигимизни халқроқ ҳуқуқ нормаларига мослаштириб бориш ҳам давлатимиз эътиборида.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда болалар манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар белгиланган:

- илғор халқроқ тажриба ва ҳуқуқ тизимини ҳисобга олган ҳолда, болалик манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- болаларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирлар орасида зарур иқтисодий шароит яратиш;
- аҳолининг репродуктив саломамлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш;

- болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланиши таъминлаш.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига, униб ўсишига эътибор ҳар қачонгидан-да юқори. Зеро, жисмонан соғлом, маънан баркамол ва тафаккури теран авлод эртанги нури келажакимизнинг ижодкорларидир.

**Г. ИСОҚЖОНОВА,**  
**Олмалик шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**



ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# НИКОҲ — ОИЛА АСОСИ

ЎЗБЕК ОИЛАСИДАГИ болажонлик, фарзандларнинг ота-оналарга ҳурмати, меҳнатсеварлик, сажийлик ва меҳмондўстлик каби фазилатларнинг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Айтиш жоизки, оиланинг асоси никоҳдир. Никоҳ давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини, манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида фуқаролар ҳолати далолатномаларида қайд этилади. Никоҳ юзасига келганини исботлайдиган никоҳни қайд этиш далолатномаси эр ва хотиннинг ҳамда никоҳдан тугилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари қўриқланишини таъминлайди.

Никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи таркиб топади, тугилган бола ҳам никоҳдан тугилган бола ҳисобланади, шунга кўра, у ота-онага нисбатан барча ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим шахслар ФХДда расмий никоҳдан ўтмай, шаърий никоҳ билан яшашни афзал билишди. Аслида шаърий никоҳ ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Албатта, никоҳдан ўтишда диний маросимларга амал қилиш инкор этилмайди. Бу никоҳга қирувчиларнинг шахсий эътиқодига боғлиқ бўлиб, улар никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин ёки кейин ҳам шаърий никоҳдан ўтишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Видон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, динга эътиқод қилувчи шахслар учун никоҳ тузишда азалдан урф-одат бўлиб келган диний расм-рўсул ва маросимларга амал қилишлари мумкин. Лекин Оила кодексининг

13-моддасига биноан, бундай тартибда тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Демак, никоҳ тузилган, деб ҳисобланмайди. Шунингдек, шаърий никоҳ эр-хотинга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзасига келиши учун асос бўлмайди.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, албатта, ҳуқуқий онгимизни оширишимиз, давлат томонидан қабул қилинган қонунларни ўрганиб, уларга риоя этишимиз зарур.

Биз туманимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириб бораёلمиз. Яқинда, 1-Тошкент Педагогика коллежи биносида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман прокуратураси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Гофур Фулом номидаги бог жамоаси ҳамкорлигида талабалар билан учрашув ўтказди. Унда «Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби», «Гиёҳвандлик ва ичкилик-бозорик — оила заволи», «Тарбияси бузилган ёшлар, улар орасидаги жиноятчилик, ноқобил ва нотинч оилалардаги аҳвол ҳақида» каби мавзуларда маърузалар ўқилди. Тадбирда Тошкент транспорт касб-хўнара коллежи талабалари ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишини намойиш этишди. Учрашув ёшларда катта қизиқиш уйғотди, улар маърузачиларга қўллаб-қувватлаш беришди. Демак, бундай суҳбатларни кўпроқ ўтказишимиз, ёшлар орасига кириб боришимиз лозим.

Ёш авлод бизнинг келажакимиз экан, улар нафақат жисмонан соғлом, балки маънан баркамол ва ҳуқуқий саводхон бўлиб етишишлари зарур.

**Дилдора СУЛЕЙМОНОВА,**  
**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ФХДЭ бўлими мудираси**

# ҲУНАРДАН ЯХШИРОҚ, ИЛМДАН УЛУҒРОҚ НАРСА ЙЎҚ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Бешкапа» маҳалласида истиқомат қилувчи Бахтиёр ака Пулатов билан учрашиб, гурунглашган киши унинг камтарин, қалби дарё, эзгу ниятлар билан яшаётган инсон эканига амин бўлади. Унинг кўнчаклик билан маҳалла ёшларининг бўш вақтини фойдаланишга йўналтириш бўйича қилаётган ҳаракатини кўриб, тасанно айтасан киши. Эътиборлиси, маҳалла болалари ҳам бу хонадонга ўз уйига ташриф буюраётгандек, кириб келишди. Бахтиёр ака ва унинг турумуш ўртоғи Дилдора опага ўзларининг орзу-умидларини айтиб, дилдан суҳбатлашди, энг муҳими, ҳунара ўрганишди. Улар ясаган буюмлар хонадондаги устaxonани беэаб турибди. Шу боис, бу хонадонга ташриф буюрганнимизда ҳам ўзига хос музейга кириб қолгандек бўлди. Эшик олдидаги икки ўз йиллик омон халқимизнинг яқин ўтмишидан ҳикоя қилади. Кираверишга илиб қўйилган кўлда ясалган турли хил буюмлар, расомлик, тикувчилик ҳунарали наъмуналари кишини ўзига жалб этади. Ховлини тўлдириб юрган ёшларни кўриб, хонадон эгалари бугун қандайдир байрамни нишонлаётми, шекилли, деб ўйлайсиз.

Бахтиёр ака кўп йиллар мазкур фуқаролар йиғини худудидеги 65-кўчада ўқувчиларга математика фанидан таълим берибди. Хонадон бекаси Дилдора опа Пулатова ҳам мактабда физика ўқитувчиси сифатида фаолият юритди. Улар ҳаётларининг энг жўшқин даврини эзгу ишга — ёш авлодга билим, таъ-

лим-тарбия беришга бағишлашди. Ёшларнинг қилган инсон бўлиб вояга етиши йўлида билим ва маҳоратларини аямдилар. Муҳими, Бахтиёр ака ва Дилдора опа нафақа ёшига етган бўлсалар-да, ўзларининг эзгу ишларини давом эттиришмоқда. Бугун улар маҳалла ёшларига тикувчилик, мусаввирлик, матоларга гул солиш, бисер тикиш, турли хил буюмлар, санъат асарлари ясашни ўргатишмоқда.

Барча иллатнинг илдизи беркочиликда, — дейди Б.Пулатов. — Шу боис, эзгу одатларни шакллантироқчи эканмиз, энг аввало, беркочиликка барҳам беришимиз лозим. Зеро, фойдали меҳнат инсоннинг ўзига нисбатан ҳурматини шакллантиради. Ёшлигида меҳнат қилишга иштиёқ сезмаган бола эса, масъулиятсиз, лоқайд бўлиб ўсади. Гоҳида мактабдан қайтган ёшларнинг тўп-тўп бўлиб, интернет клубларда турли хил бузғунчиликларни тарғиб қилувчи ўйинларни ўйнаётганини кўриб қоламиз. Олтидан қиммат вақт, ёшлик шижоати шундай кераксиз ўйинларга сарфланаётганига ачинаман. Шу сабабли маҳалла болаларининг бўш вақтини фойдаланишга жалб қилиб, уларнинг онгига миллий аънаъа ва қадриятларимизни сингдириб бориш учун нима қила оlishим мумкинлиги ҳақида узоқ ўйлайдим.

Тажрибамдан биламанки, бола қалби зўрма-зўракиликни ёқтирмайди. Уларда бирор ишга ҳавас уйғотиш учун, ўргатаётган инсондан, аввало, хоҳиш, қолаверса, шу соҳани пухта билиш талаб этилади. Ҳунара ўрганиш давомида баъзи хонадонларда сақланиб қолган қадимги буюмларни учратдим.



Шунда ҳаёлимга, ҳунара ўргангани келган болалар халқимизнинг ўтмишига оид тарихий буюмлар билан танишса, бу уларда миллий гурурининг шаклланишига ёрдам беради, деган фикрга келдим. Дарҳол қадимги буюмларни йиға бошладим. Уйимизга келган меҳмонлар, маҳалла-қўй ҳам ота-боболаридан қолган бир неча ўз йиллик буюмларни бизга совға қилиб, экспонатлар сони ортишига катта ёрдам беришди.

Дарҳақиқат, хонадонга кирганимизда қадимги эгар, дутор, бўз тўқийдиган чарх, 150 йиллик суратлар, кўзалар, элак, қадимги жинчирик ва дазмонлар, мисдан ясалган чойнак, самовар, лаган, қошиқларга кўзимиз тушди. Улар хоналардаги тоқчаларга дид билан тегиб қўйилган бўлиб, бу ерга келган болалар ҳам бу буюмларни ас-

раб-авайлашди. Бахтиёр ака ва Дилдора опа улар ҳақида болаларга маълумот бериб боришди. Гоҳида ёшларнинг ўзи бир неча асрлик буюмларни топиб келишди.

Ҳа, инсон эзгу амаллари билан муқаррамдир. Буни яқин англаган Бахтиёр ака ва Дилдора опа барча ҳаракатларини ана шу мақсадга қаратишган. Айниқса, ҳунара ўрганиш, беркочиликка барҳам бериш зарурлигини маҳалла ёшларига бот-бот уқитиб келишди. Шу сабабли Бахтиёр ака шогирдлари ва ёр-биродарлари даврасида до-нишманд Суқротнинг қуйидаги ҳикмати тасдиқлашга шўх кўради: «Ҳунардан яхшироқ, илмдан улугроқ нарсаси йўқ. Шарму ҳаёдан яхши безак, зебу зийнат йўқ, бадфеълликдан ёмонроқ душман йўқдир».

**Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**«Mahalla» муҳбири.**

МАХАЛЛА ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ



МУСОБАҚА — МУРАББИЙЛАР МЕҲНАТИНИНГ КУЗГУСИ

Дунёдаги ҳар бир миллату элнинг ўзига хос урф-одати, анъаналари бор. Бизнеснинг ҳалқимизга хос кадрларнинг эса умумбаъшарий ғояларга ҳамоханлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизда маҳалла тизимининг барқарорлиги, катта-кичик масалаларнинг ҳамжиҳатликда ҳал этилиши, ўз-ўзини адолатли тарзда бошқариш жамият ривожига алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилипти, юртдошларимиз барча жабҳаларда муносиб ютуқларни қўлга киритяпти. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муваффақиятлар шулар жумласидандир. Биргина 2009 йилда юртимиз спортчилари жаҳон миқёсидаги мусобақаларда катта ютуқларга мушарраф бўлишди. Ўтган йили Тошкент вилояти вакили Вадим Меньковнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Канаданинг Галифакс шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритгани ва яна бир қатор спортчиларимизнинг муносиб ютуқларга сазовор бўлишгани қилинган меҳнатлар бе-самар кетмаганини кўрсатди.

Қишлоқ, маҳалла ва қўрғонларда спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказиш ва бу орқали аҳоли ўртасида оммавий спорт тарғиботини таъминлаш фаоли-

тимизнинг асосини ташкил этади. Тошкент вилоятида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтган йили 284 та турли спорт тадбирлари амалга оширилиб, уларда 52 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Айниқса, «Маҳалла» жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан аҳоли ўртасида ўтказилган тадбирлар самарали кечди. Йил давомида касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти орқали 4 та халқаро тоифадаги ҳамда 15 та спорт устаси, 188 та бундай шарафли номга номзод ва 950 та оммавий разрядли спортчи тайёрланди.

Жисмоний тарбия ва спортни меҳнаткашлар орасида тарғиб этиш ва унга аҳолининг барча қатламларини кенг жалб этишда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилган ишлар натижасида вилоятдаги 994 та меҳнат жамоасида 2982 нафар киши спорт тадбирларида жалб этилган бўлса, туман ва шаҳарларда 84 та спорт тадбирида 26460 нафар киши қатнашди ва жами 56820 нафар киши оммавий спортга жалб этилди.

Ҳозирги кунда вилоят касба уюшмалари тизимига кирувчи 5 та болалар, ўсмирлар спорт мактабларида 10 минг нафарга яқин маҳалла ёшлари спортнинг 14 тури бўйича мунтазам шугулланиб келишмоқда. Улар билан 1 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган му-

раббий, 5 нафар олий тоифали мураббий, 11 нафар I тоифали ва 2 нафар II тоифали мураббий шугулланмоқда. Эришилган натижалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, футбол, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, бокс ва яна ўнлаб спорт турлари бўйича мамлакатимиз терма жамоаларига профессионал спортчилар тайёрлаб берилмоқда. Масалан, Оққўрғон туманида жойлашган болалар спорт мактабини ҳақиқий чемпионлар маскани, деушиш мумкин. Айниқса, Юнон-рум кураши мураббийи Исроил Сиддиқов олиб бораётган ишлар ибратли. Унинг 7 нафар шогирди Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг аъзолари ҳисобланади.

Шунингдек, Тошкент туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳудудида жойлашган 4-сонли спорт мактабида шугулланаётган ёшларнинг ютуқлари ҳам эътиборга молик. Ушбу спорт мактаби вакиллари 10 нафар турончилари, 7 нафар дзюдочилари, 3 нафар курашчилари республика терма жамоасининг аъзолари. Мактаб мураббийларидан Искандар Расулов, Махфуза Абдуллаева, Самариддин Турсунов ва Абдураим Искандаров юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни камол топтиришда астойдил меҳнат қилишмоқда.

Мураббий меҳнатининг кузгуси — бу мусобақа. Шу маънода вило-

ятимиз дзюдочилари эришаётган ютуқлар салмоқли. Жанубий Кореяда дзюдо бўйича ўтказилган халқаро турнирда вилоятимиз вакили Мирзохид Фармонов дунёнинг кучли спортчилари орасида ўз вазида 2-ўринни эгаллаган бўлса, Латвияда ўтказилган нуфузли турнирда чирчиқлик Мирали Шарипова тенг келадиган рақиб топилмади. У олтин медалга мушарраф бўлди. Бундай ютуқлар ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Асосийси, чемпионлар камолга эришмоқда, уларнинг ғалабалари шарафига она-Ватан шарафланмоқда.

Яна икки йилдан сўнг Лондонда ўтказиладиган XXX ёғми Олимпиада ўйинларига пешвоз чиқамиз. Бугун барчанинг эътибори ушбу олимпиада ўйинларига қаратилган. Зеро, мамлакатимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида камол топиб, маҳорати ошган ёшлар Лондонда ўзбекнинг ўз сўзини, албатта, айтади. Юртимизда мунтазам ўтказилаётган оммавий спорт мусобақалари, маҳалла тизимидаги спорт тадбирлари — барча барчасидан қўлланган ягона мақсад баркамол авлод тарбиясидир. Биз мураббий ва мутахассисларнинг эътибори ҳам айнан шунга қаратилгандир.

**Ақром ШЕРДОНАЕВ,**  
Тошкент вилояти касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамият кенгаши раиси.


Дунёдан дараклар

Siemens иш ўринларини қисқартирмоқчи

SIEMENS компанияси ишчилари сонини 1990 тага қисқартирини режалаштирмоқда. Bloomberg хабарига қараганда, компания маҳсулотларига талаб камайгани учун маъмурият шундай қарорга келган. Қисқариш, асосан, Германиянинг Бад-Нойштадт ва Эрланген шаҳарларидаги заводларда амалга оширилади.

Компания маҳсулотлари сотуви 2009 йилнинг сўнги чорагида, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан, 12 фоизга, буюртмалар эса 15 фоизга қисқарган.

Siemens машинасозлик, энергетика ва тиббиёт асбоб-ускуна-



лари, шунингдек, маиший техника ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг дунёдаги заводларида 405 минг нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг тўртдан бири қисми Германиядаги заводларда ишлайди.

Мафияга қарши кураш режаси



ANSA ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Италияда мафияга қарши кураш режаси ишлаб чиқилган. Бунда мамлакатда янги ташкил этилган жиноий гуруҳларнинг мулкни мусодара қилиш бўйича назорат агентлиги асосий ролни бажариши керак. Бу агентлик бош вазир Сильвио Берлусконининг ташаббуси билан ташкил этилди.

Италия ички ишлар вазири Ро-

берто Маронининг таъкидлашича, янги агентлик икки ҳафта ичида ўз фаолиятини бошлади. Вазир жиноий гуруҳларнинг маблағларини тортиб олиш уларни йўқотишнинг асосий йўлларидан бири эканлигини айтди.

Бош вазир Берлусконининг фикрича, мамлакатга ноқонуний йўллар билан келётган муҳожирлар сонини ҳам камайитиришга эришиш лозим. Айнан муҳожирлар ҳисобига жиноятчи тўдалар сони ошиб бормоқда.

Сўнги маълумотларга қараганда, январь ойининг охирида «Коза Ностри» жиноий гуруҳига яқин бўлган кишиларнинг 2 миллиард евро миқдордаги маблағи мусодара қилинган. Шунингдек, бир неча жиноий гуруҳлар раҳбарлари қамолга олинган.

“Eurostat” ҳисоботи

2009 йилнинг декабрида евроҳудудда ишсизлар сони 10 фоизга етган ва 23 миллион кишини ташкил этган. Бу ҳақда “Eurostat”нинг махсус матбуот хабарига айтилган. Еврокомиссия ҳисоб-китобларига қараганда, 2010 йилнинг охирига келиб евроҳудуддаги ишсизлар сони 10,7 фоизни, 2011 йил охирида эса 10,9 фоизни ташкил қилади.

“Eurostat” куни кеча евроҳудудда 2010 йилнинг январь ойидаги инфляция даражасини ҳам эълон қилди. Хабарда айтилишича, инфляция сўнги 11 ойдаги энг юқори даражага етган ва бир фоизни ташкил этган.



қилди. Хабарда айтилишича, инфляция сўнги 11 ойдаги энг юқори даражага етган ва бир фоизни ташкил этган.

Аҳоли қўшимча аскар юборилишига қарши



Германия аҳолисининг учдан икки қисми, яъни 65 фоизи Афғонистонга қўшимча 850 нафар аскар юборилишига қарши. ZDF телеканали ўтказган сўров натижасида шундай қилинган.

сида шу нарса маълум бўлди. 29 фоиз аҳоли эса Афғонистондаги немис контингенти сони кўпайишини қўллаб-қувватлайди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 76 фоизи бу урушда коалицион кучлар ғалаба қозонишига умуман ишонмайди. 18 фоизи ғалаба қозонишига ишонч билдирган. Сўров натижалари аҳолининг амалдаги ҳукуматга ишончи камайиб бораётганини кўрсатди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ТАДБИР  
Соғлом турмуш тарзи оммалашмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА нафақат ёшларни, балки аҳолининг барча қатламларини оммавий спорт тадбирларига жалб этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, республикамиз маҳаллаларида оммавий спорт мусобақаларига берилётган эътибор натижасида минглаб кишилар соғлом турмуш тарзига жалб этилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Чиноз тумани Охунбобоев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини стадионида ташкил этилди. Ўтказилган футбол мусобақаси маҳалла аҳли

либ борапти. Масалан, бундан икки йил муқаддам маҳалламиз ёшларидан ташкил толган футбол жамоаси вилоят чемпионатида 2-ўринни эгаллаганди. Бир қатор спортчиларимиз республика ва вилоят терма жамоаларининг аъзолари ҳисобланишди. Маҳалламизда оммавий спортни ривожлантиришда, ёшларга қўлай шарт-шароитлар яратишда, чемпионлар етиштиришда ҳудудимизда жойлашган «Соатов Ботир» фермер хўжалиги, «Юнус» хусусий фирмаси ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта. Энг асосийси, аҳоли ўрта-

либ борапти. Масалан, бундан икки йил муқаддам маҳалламиз ёшларидан ташкил толган футбол жамоаси вилоят чемпионатида 2-ўринни эгаллаганди. Бир қатор спортчиларимиз республика ва вилоят терма жамоаларининг аъзолари ҳисобланишди. Маҳалламизда оммавий спортни ривожлантиришда, ёшларга қўлай шарт-шароитлар яратишда, чемпионлар етиштиришда ҳудудимизда жойлашган «Соатов Ботир» фермер хўжалиги, «Юнус» хусусий фирмаси ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта. Энг асосийси, аҳоли ўрта-

сида соғлом турмуш тарзи оммалашмоқда.

Бир ҳафта давом этган мусобақалар натижасига қўра, «Байналмилал» жамоаси 1-ўринни эгаллади. Футболчилардан Илҳом Мўминов энг яхши футболчи, Комил Каримов энг яхши ҳимоячи, Мурод Қўчқоров энг яхши ярим ҳимоячи ва Баҳром Мўминов энг яхши дарвозабон, деб топилди. Уларга Охунбобоев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**  
«Mahalla» мухбири.

ТУРНИР  
Илк халқаро мусобақада 5-ўрин

Россиянинг Красноярск шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнир мусобақаларининг голиби ва совриндорлари 31 январь куни аниқланди.

Ушбу мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси асосан

ёшларни синовдан ўтказишди. Ёш мураббий Атахам Очилов бошчилигидаги спортчиларимизнинг илк халқаро мусобақаси бўлган ушбу турнирда вакилларимиздан Баҳром Эратмов 60 кг. вазнда 5-ўрин билан қийоғланди.

ёшларни синовдан ўтказишди. Ёш мураббий Атахам Очилов бошчилигидаги спортчиларимизнинг илк халқаро мусобақаси бўлган ушбу турнирда вакилларимиздан Баҳром Эратмов 60 кг. вазнда 5-ўрин билан қийоғланди.

ёшларни синовдан ўтказишди. Ёш мураббий Атахам Очилов бошчилигидаги спортчиларимизнинг илк халқаро мусобақаси бўлган ушбу турнирда вакилларимиздан Баҳром Эратмов 60 кг. вазнда 5-ўрин билан қийоғланди.

ХАЛҚАРО ШАРҲ

СОМАЛИ: ҚАРОҚЧИЛИК ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?

Жаҳон ОАВ хабарларига қараганда, сўнги йилларда денгиз қароқчилиги авж олиб, савдо ва йўловчи кемалар ҳаракатига жиддий хавф сола бошлади. Айниқса, сомалилик қароқчиларнинг қилмишларидан жаҳон ҳамжамияти қаттиқ хавотирда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда улар 12 та кемани 270 нафар экипаж аъзолари билан гаровга олишган.

Тарихга назар ташланса, нима учун айнан Сомали қирғоқлари кемалар учун энг хавфли жойга айланганини билиш қийин эмас.

Сомали илгари Буюк Британия ва Италияга қарашли икки ҳудудга бўлинган эди. 1960 йили худудликка эришди ва битта давлатга бирлашди. 1969 йили мамлакатда содир бўлган ҳарбий тўнтарош туфайли ҳокимиятни Муҳаммад Саид Барра эгаллади. Шундан сўнг унга собиқ шўролар ҳукумати ёрдам бера бошлади. 1977 йили Сомали қутилмаганда Эфиопияга ҳужум қилди. Ўша пайтларда Эфиопия ҳам шўропараст мамлакат эди. Собиқ шўролар Эфиопияни қўллаб-қувватлади. Натижада Сомали мағлубиятга учради. 1991 йили Саид Барра ҳукумати ағдарилди. Мамлакатда очарчилик бошланди. 1991-1992 йилларда Сомалида очлик туфайли 300 минг киши ҳалок

бўлди. БМТ тинчликпарвар кучларининг мамлакатга киритилиши ҳам вазиятни ўзгартира олмади. 1993 йили АҚШ инсонпарвар кучларининг 19 нафари маҳаллий жангарилар томонидан ўлдирилгандан сўнг, Америка Қўшма Штатлари аскарлари мамлакатга ташлаб кетди. 1995 йилда эса БМТнинг тинчликпарвар кучлари ҳам Сомалини тарк этди. Шундан буён мамлакатда очарчилик, жиноятчилик, эгасизлик ҳукронлик қилмоқда, бунинг оқибатида денгиз қароқчилиги авж олган.

Сомали давлатининг денгиз қирғоқлари салкам 3 минг километри ташкил этади. Форс қўрғазидан Европа ва Осиё мамлакатларига йўл олган кемалар айнан шу ҳудуд орқали ўтади. Ҳукуматнинг кучсизлиги Сомалини Ҳинд океанидаги қароқчилар базасига айлантirdи. Энг ачинарлиси, қароқчилар икки қитъа ни боғловчи Сувайш канали ҳам хавф солишмоқда.

1991 йилдан буён Сомалида давлатчилик йўқ ҳисоби. Мамлакат иқтисоди, молиявий аҳоли билан ҳеч қандай қизқмайди. У Жубаленд, Пулленд, Сомали республикаси, Сомалиленд, Сомалининг марказий штатлари, Раханъен қаршилиқ fronti, Галмунд, Ислон судлари иттифоқи, Дала командирлари альянси каби давлатларга бўлиниб кетган. Хар ким

ўзи хоҳлаганича яшайди. Шунинг учун аҳолининг асосий қисми босқинчилик, қароқчилик билан кун кечиришга мажбур. Маҳаллий ҳокимият, тўғрироғи, дала командирлари ва қабилалар йўлбошчилари қароқчиларга қарши курашишдан манфаатдор эмас. Аксинча, уларни қурол-яроғ билан таъминлайди. Баъзан ўзлари уларга бош бўлиб, кема овига чиқади. Аҳолининг асосий қисми, айниқса, ёшлар денгиз қароқчилари сафига қўшилиш учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр. Бошқача айтганда, кўпчилик қароқчиликка тирикчилик манбаи, деб қарайди.

2004 йилдан бошлаб денгиз қароқчилиги жуда авж олди. Халқаро денгиз бюросининг маълумотларига қараганда, 2008 йилга қадар сомалилик қароқчилар 100 дан ортиқ кемага ҳужум қилган ва 40 та кемани гаровга олишга муваффақ бўлган. 2008 йилнинг олти куниди, яъни 10 ноябрдан 16 ноябргача улар 11 та кемага ҳужум уюштиришган.

Қароқчиларнинг асосий базаси Пунтленд шаҳрида жойлашган. Улар ҳужум пайтида, асосан, катер, моторли қайиқ, балиқчи кемалардан фойдаланишди. Қароқчилар гуруҳларга бўлиниб, кемаларни ўраб олишди. Улар автомат ва гранатометдан фойдаланиб, юк ва йўловчи кемаларга ҳужум уюштиришди.

Сомали қароқчилари шу пайтга қадар миллионлаб доллар гаров пули ундиришга ҳам муваффақ бўлишди. Афсусланарли томони шундаки, бу маблағларнинг катта қисми гиёҳванд моддалар савдосига сарфланмоқда.

Гарбий Африка денгизчиларига кўмаклашувчи асосияция маълумотларига қараганда, Сомалида асосан бешта йирик қароқчилар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Улар сафида 20-35 ёшдаги 1000 нафарга яқин жангари бор.

2008 йилнинг 7 октябр куни БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 1838-резолюциясини қабул қилди. Бу ҳужжатга биноан, Сомали қирғоқларида бошқа давлатларнинг ҳарбий ҳаво флоти ва ҳарбий денгиз флоти кучлари киришига рухсат берилди. Шу кунларда Аден қўрғазидида АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг ҳарбий кемалари қўриқчилик қилмоқда. Лекин улар ҳам вазиятни ўнглай олмапти.

Сивестарчиларнинг таъкидлашича, Сомалидаги майда-майда давлатлар билан, ягона қонуний давлат барпо бўлмас экан, қароқчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.

**Б.УММАТОВ**

**Mahalla**  
ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

**Бош муҳаррир**  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 6 декабрда 0019 рақами  
билан рўйхатта олинган.

Таҳририят манзили:  
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй**  
Индекс: 100083

Навбатчи: **Раҳим Шеркулов**  
Мусахҳиж: **Нодира Холмирзаева**  
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

**Телефонлар:**  
233-39-89 233-10-73  
236-53-93 236-53-75,  
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
Формати — А-2,  
4 босма тобук,  
«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Корхона манзили:  
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

**www.mahallagz.uz**  
**mahalla@sarkor.uz**  
**mahalla.gz@rambler.ru**

22130 нухсида чоп этилди. Буюртма Г-154

**Нашр кўрсаткичи: 148**

Тошпирлиди — 23.00 1996 йилдан чиқа бошлаган

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

«АДАБ УЛУФЛАР ДУОСИФА САЗОВОР ЭТАР...»



келади. Биз бу бебаҳо ме- росдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қурола эга бўламиз», дейди.

2010 йил мамлакатимизда Баркамол авлод йили, деб эълон қилинди. Агар биз Навоий меросига назар соладиган бўлсак, кишиларни, хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган комил инсонлар сифатида кўриш улғушор ва мутафаккирининг энг улғушор орузи бўлган ишонч ҳосил қиламиз.

Алишер Навоийнинг ана шу орузлари, энг аввало, унинг шоҳ асарлари — «Хамса»-

Буюк адиблар, даҳо ижодкорлар ўз асарлари орқали фақат замондошлари билан эмас, келгуси авлодлар билан ҳам мулоқот қиладилар. Улар куйлаган, тараннум этган гоғлар авлодларнинг онги, шуури, дунёқаршига таъсир кўрсатади, ўз даври учунгина эмас, кейинги замонлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Алишер Навоий ижоди бунга яққол мисолдир.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига Навоий ижодига таъриф бериб: «Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилди. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууригимиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб

да, хусусан, бешликнинг сўнги достони «Садди Искандарий»да ўз аксини топган. Достоннинг иккинчи қисмида олимларнинг дунёни, денгиз ва океанларни тадқиқ этишга отланганликлари ҳикоя қилинади:

Неча кемау аҳли ҳикмат неча, Ки ҳам кундуз айлаб равиш, ҳам кеча. Сувда уй нечуккам хубуб ургали, Ҳамул бахр даврин таноб ургали. Саваҳилда то ер топиб, йўл юруб, Масоҳат тариқин бажо келтуруиб. Не еркам бўлуб беша ё берк тоғ, Ки қатъида масоҳ тоғмай фароғ, Сув ичра қилиб кема бирла шитоб, Бу навъ ош масоҳ чеккай таноб...

Булар шоир тахайюлининг ҳосиласи, орзу-умидларининг ўзига хос бадий инъикоси эди. У келажак авлоднинг ана шундай билимли, кўчли, ақлли бўлишини, дунёни тадқиқ этишини ва тўплаган билимларидан инсоният манфаатлари йўлида фойдаланишини истаган.

Бу ишларнинг амалга оширилиши, инсоннинг куч-қудрат соҳибига айланиши эса, шоирнинг фикрича, фақат илм орқали бўлади. Навоийнинг ўз асарларида илми улғулаши, кишиларни, энг аввало, ёшларни илм ўрганишга даъват этиши бежиз эмас. Шу билан бирга, у инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун фақат илмни бўлишининг ўзи етарли эмаслигини ҳам уқтиради. Баркамол шахс юксак инсоний фазилатларга ҳам қўлини қўлади. Шу боис, Навоий ўз асарларида бир қатор ахлоқий қадриятларга алоҳида тўхталади. Унинг энг ўзгал нарсий асарларидан бўлган «Маҳбуб улқулуб»да шундай фикрлар баён этилади: «Адаб кичик ёшлиғларни улғулар дуосига сазовор этар ва ул дуо барокати била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин умрлар кўнгулга солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббат қолур. Ушқларни кўзга улғу қилур, атворидин халқ улғулик билур. Халқ жонибидин беҳурматлик эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфодин сақлар. Табиатга инсоният тариқидан андом берур ва мижозга одамийлик манзилида ором еткурур. Кичикларгаким, андин мунча натижа бўлғай, улғуларга кўрким неча мунча бўлғай».

Алишер Навоийнинг «Муншаот» асарига бир қатор мактублар борки, уларни буюк шоирнинг авлодларга муносабати, васияти сифатида баҳолаш мумкин. Гарчи бу хатлар у ёки бу сабаб билан ёзилган ва шоирнинг замондошлари бўлган тарихий шахсларга йўлланган эса-да, аслида уларнинг ўқувчиси бугунги авлоддир. Навоий мактубларига ўз фикр ва гоғларини орзу ҳамда умидларини келажак авлодларга етказиб берувчи восита сифатида қараган.

Шоирнинг шаҳзода Бадиуззамона ёзган хатлари, айниқса, катта тарбиявий аҳамиятга молик. Маълумки, шаҳзода билан отаси Султон Хусайн Бойқаро ўртасида катта низолар бўлган. Улар бир неча марта бир-бирлари билан жанг қилганлар. Бутун умри давомида тинчликни сақлаш, ўзаро

урушларнинг олдини олиш учун қурашган Навоийни бу низолар чуккур қайғуга солган. У ана шу низоларга барҳам бериш, ота ва ўғилни яраштириб қўйиш учун қўлидан келган барча ишларни қилган. Бу йўлда шоир ўзининг мамлакатдаги катта обрўси, сиёсий имкониятлари билан бирга, бадий имкониятларини ҳам ишга солган. Шаҳзодага атаб насихатномалар, мактублар битган. Бу мактубларда Навоий ўзининг бутун бадий қудрати, сўз бойлиги, буюк истеъдоди, самимийлиги воситасида шаҳзодани тўғри йўлга қақиради, отаси билан ярашиши кераклигини, отасидан хато ўтган бўлса, кечирishi лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридаги низолар юз бермасдан олдин ҳам Навоий Бадиуззамон мирзога атаб насихатнома битган ва у шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонини ўрин олган. Бунда шоир ота-бала муносабатларидан ташқари, мамлакатни обод қилиш, юрда адолат ўрнатиш халқ манфаатларини кўзлаб иш қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтади.

Навоий таърифлаган низоларнинг олдини олиш, оилада, ота-бала ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш қадимдан маҳалла зиммасида бўлган. Буюк шоир «Ҳайрат ул-аброр» асарига маҳалланинг ўрнига алоҳида тўхталиб, ахиллик, бирдамлик ва тарбия маскани сифатида эътироф этади. «Маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча»дир, дея таърифлаб, Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўтади:

Топгани тайёни маҳаллот бахр, Аҳли маҳаллот ойириб, шаҳр-шаҳр.

Шаҳрлар отини маҳаллот этиб, Бўлади чу юз шаҳр Ҳири от этиб.

Кўриниб турибдики, юртимизда маҳаллалар тарихи жуда қадимга бориб тақалади ва улар ҳаммиша инсонийликка, эзгу гоғларга хизмат қилганлигини буюк шоир асарларида ҳам ифода этади.

Қодиржон ЭРГАШ, филология фанлари номзоди.

ШУКРОНА

МУСТАҚИЛЛИК ТУҲФАСИДАН МИННАТДОРМИЗ

ХАЖ зиёратига бориши ҳар бир мусулмон орзу қилади. Бу орзу яқин ўтмишда яшаган ватандошларимиз учун армонга айланганди. Кўплаб юрдошларимиз каторида ҳаж зиёратига боришга муяссар бўлганим Мустақиллигимизнинг бизга берган туҳфасидир, деб ўйлайман. Пенсияга чиққанамга беш-олти йил бўлиб қолди. Туман ҳокимлиги қошидаги ҳаж зиёратини ташкил этиш комиссиясига ариза ёзган эдим. Утган йили «Навбатингиз келди, тайёрланинг», деб қолди. Дастлаб, ростки, ўзим ҳам анча ҳаяжонландим.

Бу янгиликни мен сингари ўғил-қизларим, яқинларим ҳам катта қувонч билан қутиб олдилар, яхши кунларга атаб жамғариб юрган маблағим бор эди. Хуллас, ҳаж сафарини адо этиш менга насиб қилди.

Ҳаж зиёратига бориш истиқлолгача анча қийин ишлардан саналиб, бунинг учун фуқаролар кўпгина чиғирлардан ўтиши, кўп идораларга бош уриши керак эди. Энди эса ҳар йили минглаб ватандошларимиз Саудия Арабистонига бориб, бемалол ҳаж ва умра амалларини адо этиб келмоқдалар. Бунинг учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Қурбон ҳайити арафасида вилоят жамоатчилиги 625 нафар кишини тантанали равишда ҳаж сафарига қузатиб қўйган бўлшса, Саудия Арабистонига ҳам бизни ҳудди шундай эҳтиром билан қарши олишди. Энг яхши меҳмонхона-

ларга жойлашдик, у ердаги шарт-шароитдан, мезбонларнинг муомаласидан барча ҳожилар мамнун бўлдик. Хуш кайфиятда амалларни адо этдик. Саудия Арабистонига мамлакатимизни жуда яхши билишди, ўзбекистонликларнинг ҳурматини жойига қўйишди.

Зиёрат чоғида тасодифан қўшни мамлакатлик бир танишимни учратиб қолдим. Ундан нега кайфияти йўқлигини сўрасам, автомобилда ҳориб-чарчаб, қийналиб келганини айтиди. Боз устига меҳмонхонага ҳам жойлашолмай хуноб бўлишга ётган экан. Мен бундан таъсирланиб кетдим. Юртимизда ҳар бир инсонга кўрсатилаётган эътибор, иззат-ҳурмат, инсонийликдан бахраманд бўлаётганимиз, муқаддас амалларимизни эмин-эркин, ҳукуматимиз гамхўрлиги остида адо этаётганимиздан қалбларимиз гурурга тўлди. Дилларимиздаги миннатдорлик, шукроналик тилларга кўчди.

кўрсатилаётган эътибор, иззат-ҳурмат, инсонийликдан бахраманд бўлаётганимиз, муқаддас амалларимизни эмин-эркин, ҳукуматимиз гамхўрлиги остида адо этаётганимиздан қалбларимиз гурурга тўлди. Дилларимиздаги миннатдорлик, шукроналик тилларга кўчди. Муқаддас Кабатуллоҳда юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб қўлларимизни дуога очдик.

Сафардан кейин маҳалла ишларига аралашиб, ёш авлод тарбиясига, уларни Ватанимизга муносиб фарзанд қилиб улғайтиришга, инсоний фазилатларни қалбларига чуқурроқ жойлаб, маънавий бой инсонлар бўлиб вояга етишларига ўз ҳиссамни қўшишга аҳд қилдим.

Тўлқин САРИКОВ, Балиқчи туманидаги «Исломобод» маҳалласи фуқароси.

БИР ЎЛКАКИ...

ҚУЁШ ТАФТИ ТУШГАН ШИРИН НЕЪМАТ БУ



ЎТГАН йили, Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида Самарқандда ўтказилган аънавий «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг эллиқдан ортқ мамлакатидан санъаткорлар, санъатшунослар иштирок этишди. Улар билан бирга шаҳар бўйлаб сайрга чиқди. Меҳмонларни мафтункор Самарқанднинг ҳар бир гўшаси хайратга солди.

«Сибё» бозорида, Улуғбек расадхонасида бўлганимизда меҳмонлар нон расталари олдида узок туриб қолдилар. Уларни бозордаги тўқинлик, обсерватория қанчалик хайратга солган бўлса, Самарқанд нонлари ҳам ўшанчалик мафтун этган эди.

Бу мўъжизанинг ўзгинаси! Наҳотки, истеъмол қилинадиган нон шу қадар ширин, чиройли тайёрланган қойил? Синдиришга кўзинг қиймайди, қойил, — дейди мароқашлик мусиқашунос Эл Мазнед Бваҳим.

Бундай самимий сўзларни Мексика, Малайзия, Коста-Рика, Қатар, Қувайт ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлардан ҳам ашитдик.

Фестивалда энг юқори мукофотга сазовор бўлган Туркманистоннинг «Алтын мензил» ансамбли яккахон хонандаси Лале Бегназарова бундай деди: «Ўзбек ва туркман халқларининг бир қатор, жумладан, новвойлик аънавлари ҳам ўхшаш. Шу боис, «Осиё нони» номи билан дунёда шухрат қозонган Самарқанд нонлари тасаввуримни ўзгартдириб юборди. Олдингина бугдойнинг барқашдаги қуёшга айланишини кўриб хайрат-

га тушдим. Бу минг йиллик излашлар, тажрибалар натижаси». Самарқанднинг «Галаосиё» маҳалласида, асосан, новвойлар сулолалари яшади. Бу ерда тайёрланадиган нонлар қадим-қадимдан римлик, испаниялик, юнистонлик ва бошқа хорижлик элчиларни ҳам лол қолдириб келган. Улар юртларига қайтар чоғида азиз ва бебаҳо соғға сифатида Самарқанд нонларидан олиб кетишган.

Галаосиёлик устоз новвойлар, хусусан, Сурайё Ашурова ҳамда у кишининг шогирдлари билан суҳбатлашиб, мутахассисларнинг фикрларини мушоҳада қилиб, «Осиё нони»нинг сирлари билан қизиқдик.

Самарқанд чиндан ҳам жаннатмонанд улка. Бу ернинг суви, тупроғи, об-ҳавоси, қуёш ҳароратидан тўйинган ўтини ҳам кам ёбди. Бунинг биринчи асос, деб олсак, иккинчиси, новвойлар сулолаларининг узок йиллик тажрибалари узлуksиз давом этаётганидир. Бу касб показилики, инсофу дёнәтәли, хайру эҳсонли бўлишини талаб қилади. Самарқанд бозорларига тушган хорижлик меҳмонлар мезбонлар илтифотига мафтун бўлишди. Соғға сифатида инъом этилган нонларни бошларига кўтаришиб, раҳматлар айтишди. Самарқандда икки йилдан бевн галла ўрми-йигими ниҳоясида «Самарқанд нонлари» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Тадбир ташкилотчиларидан бири, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Шавкат Жониқуловнинг таъкидлашича, нондек улғу неъматга халқимизнинг юксак ҳурмати тўғайли Самарқанд нонларининг шухрати оламга ёйилган. Ерга ногоҳ тушиб қолган ушоқни дарҳол олиб кўзига суртган, тозалаб ўпган ва бўйидаг баланд жойга авайлаб қўйган, бу удумни ёшларига ҳам ўргатаётган халқнинг насибаси, албатта, бутун бўлган.

Ўтқам ҚУРБОНОВ, «Mahalla» муҳбири.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Гулистон қишлоғида минг нафардан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Кейинги ўн беш йилда қишлоқ бўйига ҳам, энгига ҳам ўсди. Турсоат муаллим қирқ йил ана шу қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қилди. Катта-кичик унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Утган йили Наврўз сайлида қишлоқ одамлари йиғилишиб, Турсоат муаллимни маҳалла кайвонилигига сайлашди. Ўқитувчилик даврида Турсоат муаллим жамоат, маҳалла ишларига аралашиб юрарди. Ана шу фаоллиги боис эл кайвониси бўлди.

КАЙВОНИ

Ишни қишлоқнинг ободончилигидан бошлади. Ховли, кўчаларни тозалаттирди. Томорқаларга дарахт эктириб, одамларни полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга даъват этди.

Бу воқеага олти ойча бўлди. Холмўмин ака набирасига қўлбола ёй ва ўқ ясаб берибди. Кейин «Жумонг-жумонг» ўйнабдилар. Фалочат оёқ остида деганларидек, набира ёйнинг ўқи билан босининг кўзини мўлжалга олиб, гавхарини оқиздириб қўйибди. Ўғиллари Холмўмин акани вилоятдаги кўз касалиқлари шифохонасига олиб боришди. Дўхтирлар «Кўз гавхарини оқиб тушган. Жароҳат олган кўз соғ кўзга ҳам таъсир ўтказса керак», деган хулосага келишибди. Холмўмин ака ўғиллари ҳамроҳлигида кечга томон ноумид бир кайфиятда уйига қайтди. Турсоат муаллим бориб аҳолини билган:

— Техника, тиббиёт ривожланган бир даврда «Энди фойдаси йўқ», деган гапга ишониб бўлмайди. Тараддуларингизни кўринглар. Эртагаёқ Холмўмин акани олиб пойтахтга жўнганлар, — деди.

Холмўмин ака ўн беш кунда сулпа-соғдек бўлиб, уйига қайтди. Розикбой машина сотиб

олибди. «Бир табриклар келай», деб Турсоат кайвони йўлга тушди. Бўрибой тракторчи қўшнилари билан чаққаллашиб йўлда турган экан. Бурилиб саломлашди. Кейин Бўрибой тракторчини четга тортиб, наси-

қат қилди: — Ақли йигитсан. Физикадан дарс берувдим, шекилли. Мана, неварали ҳам бўлдинг. Кеча отангнинг кўргани борувдим. Хай-ҳотдек уйда бир ўзи. Утган-кетган гаплардан гурунгулашдик. Соқоли ўсган экан, олдим.

— Хўш-ш... Нима демоқчисиз? — авзойи бузилди Бўрибой тракторчининг. — Гапиринг тезроқ. — Тез-тез хабар олиб тур, — деди секингина Турсоат кайвони. — Келинга айт, кийимларини ювиб берсин. Овқат, чойидан хабар олиб туриглар. Ота дуосини олган — кўкаради, ўғлим.

Бўрибой тракторчи қўлини силтади: — Эл кайвониси бўлдим, деб бурнингизни ҳар қаерга тикаверасизми? Ота меники... Сизга нима оғирлиги тушяпти? Кеккайиб қолибсиз, — овозини бир баҳа кўтариб гапирди Бўрибой тракторчи. — Қаландарга танбех берибсиз, Мирзони уйлан, қачонгача сўққабош бўлиб юрасан, деб изза қилибсиз, тўйда бақириб-чақиргани учун Раҳматга дўқ-пўписа қилибсиз. Ким бўлдингиз?.. Отам ҳақида яна бир оғиз гапирсангиз... сочингизнинг оқиға қараб ўтирмайман.

— Майли, нима десанг, дея-вер, — ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилди Турсоат кайвони. — Отангнинг дуосини ол, дейман-да. Бўпти, мен кетдим. Бундай машамалар кунда бўлмаса ҳам, баъзан такрорланиб туради. Турсоат кайвони бунақа гапларни кўтаради. Кечга томон дарвоза эшигини кимдир қокди. — Бўрибой тракторчи хотини билан келибди, — деди кайвонини ўғли. Кириглар десам, киришмади. Сизни ташқарида қуттишяпти. — Кирмаймиз, — деди Бўрибой тракторчининг хотини кўзларини ерга қадаб. — Кеча хўжайини сал чегарадан чиқиб кетибди. Сиздан узр сўрагани келдик. — Уйга кирмасаларинг, узрларингизни қабул қилмайман, — оёқ тираб олди Турсоат кайвони. — Ҳеч бўлмаса, тўқсон саккизга кирган отамни кўриб кетинглар. Бир пиёла чой устида бир дунё ибратли гап бўлди. — Кеча, — дея сўз бошлади Турсоат ака, — Чўян зоотехникнинг итини бир қутирган дайди ит талабди. Ўлдир десам, «Маҳалла кайвониси бўлсангиз тумандан мол дўхтирини чақириб, итмининг қонини текширтиринг.



Оқсоқоллар гурунги

© фото-Носир Хайдаров

Ит уйимнинг кўриқчиси», дейди. Худо кўрсатмасин, бир кор-ҳол бўлса ким жабр кўради? Индам-дам. Нима, шу гапи учун қўшнимдан хафа бўлиб, бет кўрмас бўлайми? Баъзан ўпишамиз, баъзида сўқишамиз... Ҳаёт қонун шундай.

— Ҳа, — деди Турсоат кайвонининг хотини эри чой ичмай туриб қаергадир отланганини кўриб. — Тинчликми? Йўл бўлсин?

— Қодирнинг келини отасиникига аразлаб кетибди. Жанжалнинг сабабини билиб, яраштироқчиман. Ундан сўнг, Хўжавой жазо муддатини ўтаб уйига қайтибди. Уни кўргани ўтаман. Хотин эрига эслатди: — Бугун Кундуз момонинг қирқи. Кеча одам юборишувди. Бориш эсингиздан чиқмасин. — Ҳа-я! — Турсоат кайвони бир тўхтаб олди. — Эса солганининг яхши бўлди. Айтмоқчи, қўйларини ўғри ўғирлаб кетган Дўстёр ака келса, эртага милиция шуғулланар экан, дегин...

Ана шунча одам қишлоғимизнинг кайвониси Турсоат ака. Турсунбой БОЙМИРОВ Кашқадарё вилоти Камаш тумани Гулистон қишлоғи.